



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАРУР ОМИЛИ

**Касимова Ўззоҳон Алижановна**

Фарғона вилояти ХТБ бўлим бошлиғи

Наманган давлат университети мустақил

Тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7251147>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> October 2022

Accepted: 16<sup>th</sup> October 2022

Online: 26<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

ҳаракатлар стратегияси,  
миллий қадрият, дин,  
тараққиёт, миллат,  
жамият, маънавият,  
келажак

### ABSTRACT

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, қонуний эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида туб ва жадал демократик ислохотларнинг мутлақо янги босқичи бошланишини белгилаб берувчи Янги Ўзбекистон учун янги сиёсат ва мамлакат тараққиёти учун узоқ муддатли стратегиянинг мазмун-моҳиятини ўрганиш мақолада кенг таҳлил этилган.*

Тарихан қисқа вақт ичида давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида туб ва жадал демократик ислохотларнинг мутлақо янги босқичи бошланишини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси – жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилди. Биринчидан, Ҳаракатлар стратегияси – Янги Ўзбекистонни қуриш учун тамал тоши бўлиб хизмат қилди. Бугунги жадал суръатларда ривожланаётган дунёда фақат замон билан ҳамнафас одимлаётган, жамият ва давлатни модернизация қилиш учун зарур ислохотларни амалга ошираётган давлатларгина рақобатбардош бўла олишини англашдан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистон учун янги сиёсат ва мамлакат тараққиёти учун узоқ

муддатли стратегия ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Биз ушбу стратегияда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатини энг олий қадрият этиб белгиладик. Таъкидлаш керак, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишнинг янги босқичини бошлаб беради. Биз бундан буён фаолиятимизни “инсон – жамият – давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этамиз”[1.3].

Иккинчидан, Янги Ўзбекистон давлати — халқники. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, қонуний эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ўзбекистон Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти инсоннинг



шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилиниб, амалга оширила бошланди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалга ошириш халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга йўналтирилган демократик ислоҳотларнинг асосий мезонига айланди[2.1].

Бизга маълумки, демократик жамият қуришни ўз олдига бош мақсад қилган Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни маънавий ислоҳотлар ҳамда давр руҳига мос равишда маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш билан биргаликда олиб бориш давлатимиз сиёсатининг асоси бўлди.

Демократик жамият қуришнинг миллий-маънавий, ахлоқий негизларининг фалсафий илдизлари ҳақида фикр юритганда, унинг барча илмларнинг отаси бўлган фалсафа фани хулосаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга уйғониш даври ва ўрта асрларда миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос маънавиятини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур кадриятлар Рим империяси парчалангандан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг Ўзига хос кадриятлари ва менталитети

заминида вужудга келган миллий фалсафалар асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги италян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Жамият ва цивилизациялар ривожига улкан таъсир кўрсатган назариялар, таълимотлар ва мафкуралар мавжуд. Зардушт, Сократ, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Махатма Ганди ва бошқаларнинг бунёдкор ғоялари тарихда ўчмас из қолдирган. Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти Шарқ маданиятининг гуркираб ривожланишига буюк ҳисса қўшди.

Кант, Гегель, Ницше каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия империясидан ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасигача кўтарилган.

Миллий маънавиятнинг диний илдизлари деганда у инсон онги ва руҳиёти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни кўпгина мафкураларда «Забур», «Таврот», «Инжил», «Қуръон» каби илоҳий китоблар зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.



Хитой халқининг тараққиёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лао Цзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган эди. Бу таълимотлар асрлар мобайнида мамлакатнинг миллий мафкураси бўлиб келган[3.4].

Мустақилликни мустаҳкамлаш даврида жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий, барча жабҳаларда туб тарихий бурилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ва вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан маънавий янгиланиш жараёнини тўлиқ идрок этишни, иккинчи томондан эса демократик жамият қуришда унга таянишни тақозо этади. Негаки миллий-маънавий янгиланиш, юксалиш, тараққиёт омилига айланмоқда.

Маънавий янгиланиш масаласини таҳлил этишда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” Концепцияси ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унда маънавий тараққиётнинг қуйидаги асослари кўрсатиб ўтилган:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқ маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсон потенциални эркин реализация қилиш;
- ватанпарварлик[4.74].

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, жамиятни ислоҳ қилишга қаратилган кўплаб фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда янгиланиш жараёнининг дастури бўлиб, унинг асосида ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жамиятни модернизация қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди учрашувларидаёқ кун тартибидаги асосий масала сифатида таҳлил этилган. Учрашувларда мамлакатимизнинг барча соҳаларини тубдан ривожлантириш, модернизация қилиш ва модернизация жараёнларида аҳолининг фаол иштирокига эришиш, шаҳардагина эмас, чекка қишлоқ жойларда ҳам кишиларнинг турмуш даражасини яхшилаш вазифаси қўйилган. Шавкат Мирзиёев ҳар бир вилоят сайловчилари вакиллари билан бўлган учрашувларда Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, технологиялар, илм-фан, маданият, маънавият каби соҳаларни инновацион асосда модернизация қилиш зарурлиги ҳақида сўзлаган[5.76].

Иқтисодни инновацион асосда ривожлантириш билан бирга унинг миллий ғояга асосланган миллий дастури тақозо этилмоқда. Чунки моддий бойликлар яратишга қаратилган фаолият маънавий-ахлоқий ва ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватланганда, маънавият тизимида шаклланадиган миллий ва умуминсоний қадриятлар ва тамойилларга асосланганда, жамият юксак тараққиётга эришиши мумкин. Инновацион янгиланиш ва маънавий янгиланишнинг уйғунликда бўлиши



прогрессив тараққийтни белгилайди. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади”[6.23].

Юртбошимиз айтишича, “Бизнинг вазифамиз тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққийт ва янгилаш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъийт билан ҳаракат қилишимиз зарур”[7.1]. Мамакатимизда модернизация жараёнлари фақат миллийлик тамойилларигагина эмас, балки тараққийт этган давлатларнинг илғор амалиётидан ўрганиб, уларнинг жамиятимизга мос келувчи жиҳатларидан фойдаланган ҳолда амалга ошиши мақсадга мувофиқлиги Юртбошимиз томонидан уқтирилди.

Маънавий янгилаш бу жамият тараққийтининг ўзига хос даври бўлиб, у ижтимоий тараққийт эҳтиёжларидан келиб чиқади ва маънавийт тизимининг барча элементларини қамраб олади. “Шунинг учун ҳам жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш узоқ муддатли жараён сифатида тушунилади. Узоқ йиллар мобайнида шаклланиб қолган кишилар онгини бир ой ёки бир йилда бутунлай ўзгартириш мумкин эмас. Эски тушунчалардан воз кечиш, янгича қарашларнинг мазмун-моҳиятини англаш вақт талаб этадиган маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий,

маданий-маърифий жараён ҳисобланади”[8.158].

Фалсафий нуқтаи назардан янгилаш ҳодисаси барча тизимлар доирасида давом этаётган тараққийтнинг бир босқичдан иккинчи босқичга спиралсимон тарзда, диалектик инкорни инкор қонуни асосида эволюцион йўл билан ўтиш жараёнини билдиради. Маънавий янгилаш ўзгариш, ривожланиш ва тараққийтнинг инновацион босқичи сифатида юзага чиқади. Чунки диалектик тараққийт инновациясиз амалга ошмайди.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак[9.23]. Бу сўзларда келажак бугуннинг давоми, диалектик натижаси эканлиги назарда тутилмоқда. Чунки ҳар қандай тараққийт янгиликка асосланади. Жамият ва инсонлар ўз эҳтиёжлари асосида янгиликни кашф этадилар, мунтазам мукамалликка интиладилар. Ҳар қандай янгилаш асосида, бир томондан, инсоннинг табиий эҳтиёжлари, яъни. инсоннинг моддий-маънавий ва бошқа эҳтиёжлари, ўзининг ва жамиятнинг эртаси, ҳамда авлодларини моддий-маънавий таъминлашга бўлган табиий истаги турса, иккинчи томондан, унинг ўзидан қониқмаслиги, доимий яратувчиликка ва мукамалликка интилиши, ижодий ёндашуви, креативлиги, ғояларини реалликка айлантириш истаги туради. Булар инсоннинг ижтимоий-маънавий моҳиятини белгилаб берувчи хусусиятлари ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклиф этаётган модернизация ва инновацион тараққиёт стратегиясида иқтисодий-ижтимоий янгиланишнинг улкан потенциали мавжуд. Бу потенциал, албатта, маънавият соҳасига ҳам тегишли. Яқин ўн йилликдан фарқ қилган ҳолда, маънавий янгиланишнинг хусусиятлари модернизация ва инновация контекстида янгича ёндашувлар асосида ўрганилиши лозим.

Маънавий янгиланиш даврида жамият тараққиётига боғлиқ равишда маънавий эҳтиёжларнинг янги шакллари пайдо бўлади. “Инсон маънавий дунёсининг энг муҳим элементларидан бири маънавий эҳтиёжлардир. Бу эҳтиёжлар билимга, гўзалликка, адолатга, ҳақиқатга, мулоқотга нисбатан шаклланади. Инсон фаолиятининг катта қисми ана шу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлади”[10.26].

Маънавият муттасил тараққий этади ва такомиллашади, инсон маънавий фаолияти кенгайиб боради. Бундай жараёнлар жамият ва инсон маънавий потенциалининг ҳам ривожига ижобий таъсир этади. Бу маънода фаолиятнинг ривожланиши объектив ва узлуксиз жараён бўлиб, у маънавият олдида ижтимоий тараққиётнинг давр руҳига мос бўлган янги талабларини қўяди. Уларнинг реалликка айланиши учун маълум объектив ва субъектив шарт-шароитлар, субъектларнинг талабларни бажара олиш қобилияти ва имкониятлари, уларнинг ҳаракатларини бирлаштирувчи ва йўналтирувчи етакчилар, сиёсий

имкониятлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Маънавий янгиланиш даври талабларининг бажарилиши ва кўпчилик маънавий онгида уларнинг акс эта олиши шахснинг маънавий етуклигига боғлиқ. Чунки кўп ҳолларда маънавий етук шахс жамиятга таъсир қила олиш потенциалига эга бўлади. Маънавий етук шахс, биринчидан, жамият аъзоларига ўз етуклиги билан таъсир кўрсатади. Иккинчидан, бундай шахс жамиятга сабоқ бериш билан ҳам намуна бўлади. Биринчи таъсирда шахснинг маънавий-ахлоқий фазилатлари муҳим ўрин тутса, иккинчисида, унинг дунёқараши асосий роль ўйнайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам шахснинг жамият маънавий-ахлоқий муҳитига таъсири ижобий бўлади”[11.223].

Жамиятнинг маънавий тикланиши ва маънавий янгиланиши ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, ёнма-ён борадиган жараёнлардир. Маънавий тикланиш - миллий мерос ва қадриятларнинг тикланишидир. Маънавий тикланиш жараёни мустақилликка эришган бир қатор давлатлар тарихида объектив ва зарурий босқич бўлиб, у маънавий мерос ва маънавий қадриятларни тиклаш, улардан жамиятнинг прогрессив тараққиёти йўлида фойдаланишга қаратилган. Бу жараён маънавий мерос ва қадриятларга объектив муносабатни, яъни уларни аксиологик тўғри баҳолаш ва зарур бўлганда, танқидий муносабатда бўлиш, келажакда улардан фойдаланиш масаласига ҳис-туйғуларга берилмай реал ва объектив баҳолаш, баъзан улардан воз кечишни талаб этади.



Маънавий янгиланиш бу бутунлай янгича маънавий асосларга эга бўлиш дегани эмас. Албатта, бу соҳада ўзгаришлар катта бўлади. Лекин асрлар давомида жамиятнинг маънавиятини белгилаб берган ва ўзини оқлаб келган маънавият тизими йўқолиб кетмайди. Улар асосида давр руҳи, ижтимоий ҳаёти ва маънавият талабларига мос келувчи маънавий қадриятлар тизими шаклланади. “Ахлоқий, диний ва илмий қадриятлар инсоният маънавиятининг таянч қадриятлари сифатида ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик ва жамият тарақиёти учун хизмат қилади. Бироқ уларнинг ҳар бири конкрет тарихий шароитга ва халқнинг маънавий салоҳиятига боғлиқ равишда эъозланади”[12.86].

Маънавий янгиланиш даври жамиятнинг ўтмишдаги маънавий қадриятлар билангина чекланмайди. Маънавий янгиланиш миллий тарихий қадриятларни замонавий қадриятлар билан уйғунлаштиришни талаб этади. Тарихий маънавий қадриятлар ҳозирги замонамиз руҳига мос бўлган умуминсоний демократик қадриятлар билан боғланиши, уларга мос тушиши ва уйғунлашиши, биринчидан, давр талабларига жавоб беради, иккинчидан, миллий қадриятлардан йироқлашиб кетмасликни таъминлайди. Ҳозирги ҳар қандай реал нарса ва ҳодисалар ўзининг шахсий ўтмишига эга, бу ўтмишни қайта қуришга ва ўзгартиришга интилиш ҳозирги реалликнинг ўтмишини, тарихини қайта қуришга қаратилган[13.7]. Ўтмишни ўзгартириш эмас, унга объектив муносабат билдириш лозим. Бу йўналишдаги

асосий вазифа эса ўтмиш ва ҳозирги замонни боғлаш, уларни бирлаштириш ва шу асосда давлатимиз, миллатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда мустақилликни мустаҳкамлашга мос тушадиган инсонпарвар, прогрессив қадриятларни ривожлантириш ва яратишдан иборат.

Маънавий янгиланиш миллат ва халқлар эволюцион тараққиётининг зарурий босқичи ҳисобланади. Бу жараён миллий ва илғор умуминсоний маънавиятни уйғунлаштиришни, глобаллашув олиб келаётган имкониятлардан фойдаланишни тақозо этади. Биз қанчалик умуминсоний қадриятларнинг буюклиги ҳақида сўзламайлик, уларнинг илдизлари миллатнинг тарихий хотираси, маънавий мероси ва ҳаётий амалиёти билан боғлиқ[14.220].

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 72-сессиясида сўзлаган нутқида ислом динининг дунё миқёсидаги ўрнига юксак баҳо берди ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ушбу йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди. Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган “Жаҳолатга қарши — маърифат” ғояси илмнинг ҳамма учун очиқлигини таъминлаш, дин масаласидаги жаҳолатга барҳам



беришни кўзда тутди. Ўйлаймизки, пойдеворига қўйилган дастлабки бундай ёндашув учинчи Ренессанс асосдир.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Саидов А. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида. [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekistonni-barpo-etish-yolida\\_392308?q=%2Fposts%2Fyangi-ozbekistonni-barpo-etish-yolida\\_392308](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekistonni-barpo-etish-yolida_392308?q=%2Fposts%2Fyangi-ozbekistonni-barpo-etish-yolida_392308)
3. Миллий-маънавий негизларга таяниш - демократик жамият қуришнинг зарурий шarti. <https://www.elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqil-ish-kurs-ishi/item/9068-2020-12-12-05-12-02>
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-китоб. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -74 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, 2017. - 76 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 22 декабрь, 2017 йил-Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН.НМИУ, 2018.-23 б..
7. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз”. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил, 15 декабрь.
8. Минаваров С.Маънавий-маърифий ишларнинг демократик тамойиллар билан уйғунлиги. //Ижтимоий фикр. -Тошкент. 2009. № 2.-Б.158.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь. Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН.НМИУ, 2018.-23 б..
10. Бегматов А., Анварова Д. Маънавий тарбия.-Тошкент: Akademiya, 2013.-26 б.
11. Қаҳҳорова М. Маънавий идеалнинг жамият ахлоқий муҳитига таъсири. Ҳозирги замон фалсафаси:ҳолати ва тараққиётининг истиқболлари. Академик Жондор Туленов таваллудининг 80 йиллигига бағишланади. Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. -Тошкент, 2008. -223-226 б.
12. Қамбаров А. Жамиятнинг маънавий янгиланишида илмий қадриятларнинг ўрни. Ф.ф..н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати.-Тошкент, 2006.-86 б.
13. Ивин А.А. Философия истории. -Москва: Гардарика, 2000. -С.7..
14. Отамуратов С., Отамуратов Сарвар. Ўзбекистоннинг маънавий-рухий тикланиши. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-220 б.